

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ
ФАЛСАФА КАФЕДРАСИ

РЕФЕРАТ

Мавзу : ИМОМ ҒАЗЗОЛИЙ – ТАСАВВУФ НАЗАРИЁТЧИСИ

Аннотация: Мазкур ишда Имом Ғаззолийнинг илмий мероси таснифи, унинг “зоҳирий” ва “ботиний” илмлар масаласига муносабати, тасаввуф илми ривожига кўрсатган таъсири, Имом Ғаззолий таълимотида шариат ва тариқат масаласи каби мавзулар очиклаб берилади.

Бажарди : Рўзиқулов О.

Текширди : Қодиров М.

ТОШКЕНТ-2013

ИМОМ ҒАЗЗОЛИЙ – ТАСАВВУФ НАЗАРИЁТЧИСИ

Режа

- 1. Кириш*
- 2. Имом Ғаззолийнинг илмий мероси таснифи*
- 3. Имом Ғаззолий таълимотида шариат ва тариқат масаласи*
- 4. Ғаззолийнинг «зоҳирий» ва «ботиний» илмлар масаласига муносабати*
- 5. Ғаззолийнинг тасаввуф илми ривожига кўрсатган таъсири*

ИМОМ ҒАЗЗОЛИЙ – ТАСАВВУФ НАЗАРИЁТЧИСИ

Ҳозирги даврда кишилар онг-шуурига улкан ҳаётбахш ғоялар шиддат билан кириб бормоқда. Кўз ўнгимизда содир бўлаётган туб ўзгаришлар дунё қиёфасини ўзгартирмоқда. Халқимизнинг озодлик ва бахт-саодатга азалий интилишлари, ўз тақдирини ўзи белгилашга азму қарори, миллий ўзлигини теран англаб олиш кайфияти, демократик жараёнларни собитқадамлик билан рўёбга чиқариш, инсонни буюк қадрият сифатида эътироф этиш Ўзбекистон тараққиёти истиқболининг муҳим мақсад-муддаосига айланмоқда.

Мамнуният билан шуни алоҳида қайд этмоқ лозимки, мустақиллик туфайли бошқа туб янгиланиш ва миллий-маънавий тикланиш жараёнида ўзбек халқининг миллий-диний қадриятларидан бири бўлмиш тасаввуф таълимотини ўрганиш ва тадқиқ этиш орзуси ҳам рўёбга чикди. Мустақилликнинг илк йиллариданоқ Ўзбекистонда ўзига хос тасаввуфшунослик мактаби шакллана бошлади. Қисқа тарихий давр ичида ўзбек тасаввуфшунослик мактабининг йирик намояндалари Н.Комилов, И.Ҳаққулов, О.Усмон, Г.Наврўзова, С.Олим, А.Ш.Жузжоний, С.Рафиддинов, Р.Носиров, И.Остонакулов ва бошқа олимлар томонидан тасаввуф тариқати ва тасаввуф адабиётига оид ўнлаб жиддий тадқиқот ишлари амалга оширилди. Ўзбек олимларининг тадқиқотларида тасаввуф таълимотига оид умумий масалалар (келиб чиқиш тарихи, таърифи, силсилалари, тариқат одоби (муридлик ва муршидлик, хонақоҳ, хирқа кийиш одоби, зикр қоидалари, самоъ...), сайру сулук (мақомот ва ҳолот), шариат ва тариқат, тасаввуфнинг маънавий босқичлари, Комил Инсон ахлоқи, футувват, тасаввуф ва инсон, тасаввуф ва бадий адабиёт каби мавзулар таҳлили алоҳида ўрин эгаллайди. Айни пайтда, Мовароуннаҳрда вужудга келган тариқатлар кубравия, яссавия ва нақшбандия таълимоти, ислом олами, хусусан тасаввуф ва ирфон фалсафасида катта мавқега эга бўлган Ҳаким ат-Термизий, Нажмиддин Кубро, Хожа Аҳмад Яссавий, Азизиддин Насафий, Хожа Абдулҳолик Гиждувоний, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ва Хожа Аҳрори Валий ҳаёти ва қарашларига оид махсус рисола ва мақолалар ҳам алоҳида ўрин тутишини таъкидлаш зарур. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, **«бу буюк инсонларнинг азиз номлари, ўлмас мероси муқаддас динимиз билан чамбарчас боғланиб кетган. Уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Биз динимизни бу улуғ номларсиз, бу улуғ номларни эса динимизсиз тасаввур қила олмаймиз».**¹

Ислом оламининг буюк мутафаккирларидан бири, Шарқда Хужжат ул-Ислом ва Хужжат ул-Ҳақ рутбаси билан машҳур бўлган Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ғаззолий ўзининг илмий мероси билан

¹ Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. «Туркистон-пресс» ахборот агентлигининг саволларига жавоблар. -Т. Ўзбекистон, 1999. -Б.11

юқорида номлари зикр этилган донишманд алломалар орасида ўзига муносиб жой эгаллаган бетакрор шахсиятдир. Унинг илм-фан, бой маънавиятимиз сарчашмасига қўшган ҳиссаси бекиёсдир. Аллома ўзининг асарларида ўша вақтда қамраб олиниши мумкин бўлган барча жабҳаларда фикр-мулоҳазалар яратди, инсон тафаккурининг янгидан-янги сирли қирраларини кашф этишга мушарраф бўлди, башариятнинг ёрқин хотирасида абадул-абад ўчмас ном қолдирди.

Шубҳа йўқки, аллома яратган бекиёс бой маънавий меросни эътибор билан ҳар томонлама ўрганиш, холисона талқин этиш ва ундан самарали фойдаланиш жамият ривожини маънавий жиҳатдан таъминлаш, ижтимоий фаол комил инсон шахсини шакллантириш каби замон талабларига мос келади.

Юқорида қайд қилиб ўтганимиздек, Имом Ғаззолий шахсияти ва асарларини ўрганиш тасаввуф тарихини ўрганишда алоҳида аҳамият касб этади. Ўзбекистонда Имом Ғаззолий номи илм аҳли учун бегона эмас. Сўнгги йилларда унинг «Кимиёи саодат» асари Маҳкам Маҳмудов ва Сайфиддин Сайфуллоҳ томонидан таржима ва нашр қилинди, машҳур «Ихё ул-улум ад-дин» китобидан бир неча қисми таржима қилиниб, алоҳида китоб ва рисоалар ҳолида чоп этилмоқда. Шунингдек, ЎзФА И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти олимлари томонидан чоп этилган «Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар» монографиясида Имом Ғаззолийнинг ҳаёти ва фалсафий қарашлари ҳақида қисқа маълумотлар берилган². Ғаззолийнинг бошқа бир машҳур асари – «Мукошафат ул-қулуб»ни турк тилидан ўзбекчага ўгирган таржимон ва шоир Миразиз Аъзам ҳам китобга ёзган сўзбошисида бу зотнинг шахсияти ва унинг жаҳон фани тарихида тутган ўрни ҳақида тўхталиб ўтган. Бундан ташқари, филология фанлари доктори Нажмиддин Комиловнинг икки жилдлик «Тасаввуф» китобида тасаввуф таълимотининг моҳиятини ёритишда Ғаззолийнинг асарларидан кенг фойдаланилган. Профессор Ҳамиджон Ҳомидий қаламига мансуб «Кўҳна Шарқ дарғалари» ҳамда «Тасаввуф алломалари» китобларидан ҳам Имом Ғаззолий ҳаёти ва фаолияти ҳақида бирламчи маълумотга эга бўлиш имкони бор.³

Ушбу ишларнинг аҳамиятини инкор этмаган ҳолда, айтиш жойизки, Имом Ғаззолий ҳақида ўзбек тилида бирор фундаментал тадқиқот яратилганича йўқ. Ҳолбуки, Миразиз Аъзам қайд қилиб ўтганидек, **«Ғаззолий қисқа 53 йиллик умри давомида 100га яқин асар ёзиб қолдирган. Улар ислом динининг турли тармоқларига тааллуқли бўлиб, далиллар қамрови жиҳатидан жуда катта миқёсга эга. Мазкур асарлар тафсир, ҳадис, тарих, фалсафа, фикҳ, тасаввуф ва ирфон олимлари учунгина эмас, оддий одамлар учун ҳам муҳим аҳамиятга**

² Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар. – Т: Ўзбекистон файласауфлари миллий жамияти нашриёти, 2005. Б.402-407.

³ Ҳомидий Ҳ. Тасаввуф алломалари. –Т.: Шарқ, 2001. –Б.150-152.

эгадир. Чунончи фақиҳлар Ғаззолийнинг «Басит», «Важиз», «Восит» каби асарларидан, муфассирлар, калом илмининг олимлари «Қавоид ал-ақоид», «Ар-рисолат ал-қудсия», «Ал-иктисод фил-эътиқод» сингари китобларидан, мутасаввифлар ва умуман барча ҳақиқат ошиқлари «Иҳё улум ад-дин» номли буюк асаридан баҳраманд бўлсалар, катта руҳий қувончни бошдан кечирадилар».⁴

Юқорида қайд қилиб ўтганимиздек, Ғаззолий ўзининг 55 йиллик қисқа умрида жуда баракали ижод қилди. Унинг қаламига 100 ортиқ асар нисбат берилади. Ибн Сино, Беруний, Форобий сингари улуғ салафлари каби Ғаззолий исми ҳам айрим муаллифлар учун ўз фикрларини унинг номидан айтиш ва тарқатиш учун қулай восита бўлган. Шу сабабдан, Ғаззолийга нисбат бериладиган асарларнинг барчасини ҳам унга мансуб деб бўлмайдиган⁵. Миср олими Абдурахмон Бадавий Ғаззолийга нисбат бериладиган барча асарлар рўйхатини тузиб, уларга қисқача тасниф ҳам берган. Қуйида унга нисбат бериладиган асарларидан унга мансублигида шубҳаси йўқ, шунингдек, фалсафий-ирфоний асарлар туркумига кирмаган асарларининг қисқача тавсифини берамиз:

АЛ-ИҚТИСОД ФИЛ-ЭЪТИҚОД – Нишопурдаги «Низомия» мадрасасида мударрислик фаолияти билан машғул бўлган даврда ёзилган. Ушбу асар калом илмига оид бўлиб, Имом ул-Ҳарамайн Жувайнийнинг «Китоб ул-иршод» китоби таъсирида ёзилган. Ғаззолий ушбу китобда зот, сифот, нубувват, мабдаъ ва маъод каби масалаларни калом илми нуқтаи назаридан ёритган. Олимларнинг эътирофи бўйича, фалсафа фанида «Мақосид ул-фалосифа» қанчалик аҳамиятга эга бўлса, ушбу китоб ҳам калом илмида шунчалик юқори мақомни эгаллайди. Ғаззолий ушбу китобда донишманда бир ашъарий мутакаллим сифатида иймон масаласини Имом ул-Ҳарамайн ва Боқилоний каби турли далиллар билан исботлайди. Ўзига хос шижоат ва теранлик билан иймон масаласига оид бўлган барча шубҳа ва гумонларни бартараф этиб, туғилиши мумкин бўлган бирор савол ё муаммони назардан қочирмайди. Мазкур китобда ёритган саволларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

1. Аллоҳ таоло ўз итоаткор бандасини азоб-уқубатга солиши жоизми ёки ножоизми?
2. Аллоҳ таолони билиш шаръий вожибми ёки ақл йўли билан бўладими?
3. Афъолларнинг сифатлари ҳақидаги масала: улар қадимийми ёки янгитдан пайдо бўлганми?
4. Аллоҳ таолонинг каломи эшитиладими (масмуъ) ёки эшитилмайдими?
5. Инсон қодир бўлмаган ишни унинг зиммасига юкланиши жоизми ёки ножоизми?

⁴ Абу Ҳомид Ғаззолий. Мукошафат ул-қулуб/ Тарж.: Миразиз Аъзам. –Т.: Адолат, 2002. –Б.3.

⁵ Григорян С. Н. Из истории философии Средний Азии и Ирана VIII-XII веков. - М., 1966. С. 176.

6. Гуноҳи кабира ва гуноҳи сағийралардан пайғамбарларнинг маъсум бўлишлари вожибми ёки вожиб эмасми?

Шу билан бирга, Ғаззолий калом илми ўрганилишини «фарзи кифоя» деб ҳисоблайди, яъни иймон масаласида шубҳа пайдо бўлган тақдирда калом илми қалб дориси каби лозим бўлади. Агар иймон масаласида кўнгилда ҳеч қандай шубҳа бўлмаса, унда каломнинг далилларига ҳам ҳожат қолмайди. «Ал-Иқтисод фил-эътиқод» европалик файласуф Дунс Скотт дунёқарашида кучли таъсир кўрсатган⁶.

АЛ-БАСИТ – фикҳ илмида Ғаззолийнинг биринчи китоби ҳисобланади. Ушбу китобни у Низомулмулк қўшинида хизмат қилиб юрган пайтларида кўзга кўринган фақиҳлар билан қилган мунозаралари натижаси ўлароқ ёзиб тугатган. Унда фикҳий масалалар шофиия мазҳаби нуқтаи назаридан таҳлил ва талқин этилади. Мазкур китобда у ўз устози Имом ул-Ҳарамайн Жувайнийнинг «Нихоят ул-матлаб» китобидан баён этган ақидаларнинг тарғиботчиси ва ривожлантирувчиси сифатида кўзга ташланади. Ушбу китоб бугунги кунгача шофиия мазҳабида фикҳ илмига оид энг мўътабар манбалардан ҳисобланади.

ТУҲФАТ УЛ-МУЛУК – форс тилида ёзилган бўлиб, замон ҳукмдорларига бағишланган. Унда Ғаззолий салб юришларининг моҳияти, салбчиларнинг асл мақсадини фош этади. Китобнинг аҳамияти шундаки, у салбчиларга қарши курашиш фақат жиҳод эмас, балки ватанпарварлик ва халқ тинчлиги йўлидаги кураш, мустақиллик ва эркинлик йўлидаги адолатли уруш сифатида баҳолайди. Испан олими Асин Палагиос ушбу китобнинг Ғаззолийга тегишли эканлигига шубҳа билан қарайди, аммо мисрлик олим Абдурахмон Бадавий бу китоб Ғаззолий қаламига мансублигини шубҳа қолдирмайдиган даражада исботлаб берган.

ХУЛОСАТ УЛ-МУХТАСАР – фикҳ илмига оид бўлиб, унда Абу Муҳаммад Жувайнийнинг «Мухтасар» китобини қисқа тарзда баён этади.

АД-ДУРРАТ УЛ-ФОХИРА – бу китоб ҳам Асин Палагиос томонидан Ғаззолийга мансублиги шубҳа остига олинган⁷. Китоб Тусда узлатга чекинган даврда ёзилган бўлиб, эсхатологик характерга эга. Унда қабр азоблари, ўлимдан кейинги ҳаёт, руҳ ва баданнинг аҳволи ҳақида ёзилган. Мазкур рисола ўзбек тилига таржима қилиниб, «Ўлимни эслаш китоби» номи билан «Мутаржим» нашриёти томонидан чоп этилган.

РИСОЛАТ АТ-ТАЙР – «Қушлар ҳақидаги рисола» Ғаззолийнинг адабий-аллегорик усулда ёзилган рисоласидир. Унда Ғаззолийнинг ирфоний қарашлари мажоз тариқида баён этилган. Рисолада йигирмадан ортиқ Қуръон ва ҳадисдан иқтибослар мавжуд. Унда келтирилишича, бир гуруҳ қушлар Анқо қуши талабида чексиз машаққатлар ва азобларни назарга илмай, Қоф тоғига сафар қиладилар. Айримлари йўлнинг ярмида қолиб кетади, айримлари ҳалок бўлади. Охир-оқибат амнзилга етгандан сўнг Анқо

⁶ И.П.Петрушевский.. Ислам в Иране в VII-XV вв.-Л.: ЛГУ, 1966.

⁷ Сторн Ч.А.. Персидская литература в трех частях. Ч.1. –М.: Наука, 1972.

уларга хожати йўқлигини, уларсиз ҳам фароғатга яшаётганини билдиради. Қушлар ноумидликка тушган ҳолатини кўрган Анқо раҳмат ва мағфират дарёси мавж уриб уларни ўз паноҳига олади ва абадий саодат ва руҳий фарғоатга мушарраф этади. Мазкур қисса Шайх Фаридиддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр» ҳамда Мир Алишер Навоийнинг «Лисон ут-тайр» дostonлари яратилишига илҳом манбаи сифатида хизмат қилгани адабиётшунослар томонидан аниқланган.⁸

АР-РИСОЛАТ АЛ-ҚУДСИЙЯ – сунний ақийдалар мажмуи бўлган ушбу рисола Шом ва Байтулмуқаддасда ёзилган бўлиб, кейинроқ Ғаззолий бу рисола «Қавойид ул-ақойид» номи билан «Ихё ул-улум ад-дин» таркибига киритди.

ШИФО УЛ-ҒАЛИЛ – фикҳ усули илмида ёзилган рисола бўлиб, унда асосан фикҳнинг икки усули (методи) – қиёс ва таътил ҳақида баҳси юритилади. Ушбу асар Низомулмулк қўшинида хизмат қилган даврларида ёзган бўлиб, ёзган йили аниқ эмас. Китобнинг айрим ишораларига кўра, у устози Имомул-Ҳарамайн Жувайний вафотидан сўнг ниҳоясига етган. Ушбу китоб илм аҳли орасида катта эътирофга сабаб бўлди. Жумладан, Шараф Масъудий Имом Фахр Розий билан қилган бир илмий мунозарада ушбу китобга бир неча марта мурожаат қилиб, фикрларини Ғаззолий келтирган далиллар билан асослашга ҳаракат қилган.

ФАЙСАЛ УТ-ТАФРИҚА – Ғаззолийнинг ушбу рисоласи куфр ва иймон масаласига бағишланган. Ушбу рисолада имон масаласи назарий жиҳатдан кенг ёритилган бўлиб, ҳар бир фикр Қуръон ва ҳадис орқали далиллаштирилган. Иймон масаласида Ғаззолий фақат диний асосларни инобатга олади. У бу масалада таассуб ва иймон ўртасидаги фарқни жуда теран назар билан очиқ берган. Диндорлик ҳали мўминлик эмаслиги тўғрисидаги фикрлари ўрта асрлар ижтимоий ҳолатида жуда катта жасорат ҳисобланади. Шунингдек, ақидавий йўналишлар ва улар ўртасидаги келишмовчиликлар тўрисидаги мулоҳазалар ҳам алоҳида диққатга сазовор. Гап шундаки, ақидавий мактаб ва йўналишлар диннинг жузъий масалаларда бир-бири билан келишолмай, қаттиқ ихтилоф пайига тушгандилар. Жумладан, ақида бобида мўътазилия таълимотига эътиқод қилувчи аббосий халифа ал-Қодир «Эътиқод ал-Қодирия» номида бир китоб ёзиб, шу китобда баён этилган ақидавий масалаларга муҳолиф бўлган кимсаларни кофир, дея фатво чиқарган эди. Мўътазилия таълимотига қарши таълимот ўлароқ юзага чиққан ашъарийлик мактабида ҳам кейинроқ шу тамойил кучайган эди.⁹ Ғаззолий ўзи ашъарийлик мактабининг йирик намояндаси ва катта тарғиботчиси бўла туриб, айтадики, ақида бобида ашъарий бўлган одам ҳеч қачон кофир бўлмайди, чунки куфрнинг асоси – Аллоҳ таолога ширк келтириш ва ислом пайғамбари Муҳаммад алайҳиссаломга эътиқод

⁸ Олим Д. Бир ҳикоят манбаси. // Ўзбек тили ва адабиёти. 2001 йил, 6-сон.

⁹ Тримингэм Дж.С. Суфийские ордена в исламе. –М., 1989. –Б.51-63.

қилмасликдир. Ашъарийлик эса, на Худонинг китоби, на пайғамбарнинг суннатидир. Шу сабабдан, ашъарий бўлмаган кишини кофир дея ҳукм чиқариш нораво, дея хулоса чиқарган. Бу рисола Ғаззолийни дин ва эътифод бобида таассуб душмани эканлигидан гувоҳлик беради.

КИМИЁИ САОДАТ – машҳур «Ихёу улум ад-дин» асосида форс тилида яратилган энг гўзал обидалардан ҳисобланади. Ушбу асарда Ғаззолий «Ихёу улум ад-дин»да баён этилган масалаларни мўжаз ва ихчам тарзда баён этади. Салб юришлари айни авжига чиққан паллада мазҳабий тарафкашлик ҳам дин, ҳам давлат ишларига катта хатар эканлигини дилдан ҳис этган Ғаззолий мўътазилия таълимотининг йирик намояндаси бўлган Соҳиб ибн Аббод сўзларидан намуналар келтиради, шофеийлик ва ҳанафийлик мазҳаби аслида бир-бирини тўлдирувчи таълимотлар эканлигига алоҳида урғу беради, ҳаттоки Қадимги Юнон файласуфи Арасту сўзларини ҳикмат, дея баҳолайди. Бу эса, ўз навбатида, хилоф илми асосларини асосий меъёр сифатида қабул қилган айрим олимларнинг қаттиқ эътирозига сабаб бўлган. Жумладан, унинг маслакдоши Абдулғофир Форсий ушбу китоб Ғаззолий обрўсига анча путур етказганини таассуф билан қайд қилган. Шунга қарамасдан, «Кимиёи саодат» шуҳрати Марказий Осиё минтақасида жуда катта шуҳрат қозонган. Жумладан, салжукийлар сулоласининг бош вазири Фахрулмулк мазкур китобни бир неча марта мутолаа қилганлиги тўғрисида маълумотлар ҳам мавжуд. Ушбу китоб XIX асрда ўзбек тилига таржима қилинган бўлиб, 2005 йили Сайфиддин Сайфуллоҳ ва Маҳкам Маҳмуд томонидан нашрга тайёрланиб, «Янги аср авлоди» нашриёти томонидан чоп этилди.

АЛ-МУСТАСФО ФИЙ УСУЛ ИЛ-ФИҚҲ – ушбу китобни Ғаззолий Нишопурдаги «Низомия» мадрасасида мударрислик қилган даврида ҳижрий 503 санада ёзиб тугатган. Мазкур китоб ҳам «Шифо ул-ғалил» каби фиқҳ усули илмида ёзилган. Ғаззолий фиқҳий масалаларни ҳал этишда ушбу китобда мантиқ илмидан кенг фойдаланган. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, мантиқ қадимги Юнон фалсафий мактабларининг тафаккур маҳсули бўлганлиги сабабли, шаръий билимларда татбиқ этилмасди. Ғаззолий «Илмни Чинда бўлса ҳам изла» ҳадисига мувофиқ амал қилган ҳолда дадиллик билан қиёс ва истехсон усуллари кўўлашда мантиқий қонуниятларни инобатга олиш фойдадан холи эмаслигини кўрсатган.

МИШКОТ УЛ-АНВОР – мазкур рисола «Нур» сурасининг «Аллоҳу нур ус-самовоти вал-арз» сўзлари билан бошланадиган ояти тафсирига бағишланган. Шунингдек, унда Аллоҳнинг етмиш қаватли нур ҳижоби борлиги тўғрисидаги ҳадиси ҳам кенг таҳлил этилган. «Мишкот ул-анвор» Ғаззолийнинг ишроқ назарияси ҳамда неоплатонизм таълимотидан жуда яхши хабардор бўлганлигини кўрсатади. Ғаззолий нур ва зулмат масаласини ушбу рисолада кенг ва атрофлича таҳлил қилиб, ўзининг онтологик қарашларини бир оят тафсири орқали баён этишга эришган.

АЛ-МАҚСАД УЛ-АСНО ФИЙ ШАРҲИ АСМО УЛ-ҲУСНО – мазкур китоб Аллоҳнинг гўзал исмлари ва бу исмлар замирида яширинган ҳикматлар тўғрисида баҳс юритади. Китоб Бағдоддаги «Низомия» мадрасаси талабалари илтимоси билан ёзилган.

МИЗОН УЛ-АМАЛ – мазкур рисола зоҳидлик ва ахлоқ масалаларига бағишланган. Ғаззолий зуҳд одоблари ва унинг ахлоқ масалалари билан уйғунлигининг кўрсатиш билан бирга, солиҳ амалнинг моҳияти, қайси амаллар эзгу амал ҳисобланиши, қайси солиҳ амаллар охиратда ҳам инсонга фойда келтириши ва қайсаи амаллар ташқи томондан эзгу амал кўриниши билан аслида охиратда ҳеч қандай фойда келтирмаслигини кўрсатиб ўтган. Ғаззолий «Маъойир ул-илм»да ҳақиқий, манфаат келтирувчи билимларни кўрсатган бўлса, «Мизон ул-амал»да ҳақиқат ва эзгуликка элтувчи, нажот келтирувчи амаллар аслида қанақа эканлигини мисоллар билан шарҳлаб ўтган.

АЛ-ВАЖИЗ – фикҳ илмига оид бўлиб, бу асар ислом фикҳи тарихида энг муҳташам обидалардан ҳисобланади. Ғаззолий «Ал-Важиз»да фикҳий масалаларни шарҳлаш билан бир қаторда хилоф илмига оид масалаларни ҳам ёритиб беради ва шу орқали мазҳаблар ўртасидаги фикҳий-назарий ихтилофларнинг моҳиятини очиқ беради. Унда барча фикҳий масалалар шофеийлик ва ҳанафийлик мазҳаби бўйича қандай ҳукмга эга эканлиги кўрсатиб ўтилган. Маълум бўладики, Ғаззолий икки мазҳабни ҳам пухта ўзлаштириб, мужтаҳидлик даражасига етишган зотлардан бўлган.

«Ал-Важиз» бугун ҳам Мисрдаги машҳур «Ал-Азҳар» университетининг асосий дарсликларида ҳисобланади.

Ғаззолий ўзининг «Ал-Мунқиз мин аз-залол» асарида ҳикмат аҳли – файдасуфлар, таълим аҳли – ботинийлар, шариат аҳли – фақиҳ ва мутакаллимлар ҳамда ваҳдат аҳли – сўфийларнинг қарашларини имон ва ҳақиқат тарозисига солиб, талқин қилади ва ҳар бир йўналишнинг ўзига хос афзалликлари ва камчиликларини кўрсатиб беради. Жумладан, у шундай фикрларни ушбу асарда билдирган: «Англадимки, ҳақиқат йўли бу тўрт тоифа илгари сурган ғоялардан ташқарида эмас, шунинг учун қайси йўлдан бориш ҳамда умр бўйи орзу қилган мутлақ, ўзгармас Ҳақиқатни англаш саодатни эришишда иккиландим. Олдин калом илмига юзландим, ундан кейин фалсафа билан шуғулландим, сўнг ботинийлар таълимотини ўргандим, охир-оқибат сўфийлар таълимотига юз бурдим. Калом илми – бошқа мутакаллимлар назарида барча саволларга жавоб берадиган илм бўлса-да – менинг Ҳақиқатга ташна кўнглимни қониқтиролмасди. Чунки мутакаллимларнинг асл мақсади пайғамбаримиз суннатини ҳимоя қилиш ва динни турли бидъат ва адашишлардан сақлаш эди. Аммо мен ўз ақлим заруриятидан ўзга бу илмнинг қуруқ ақидалардан баҳраманд бўлолмасдим. Фалсафага юзланганимда, бу тоифанинг зоҳирий келишмовчиликлар ва назарлар ихтилофи кўп кўринганига қарамасдан, уларни уч тоифадан ортиқ

эмаслигини англадим. Булар – дахрийлар, табиётчилар ва илоҳиётчилар. Дахрийлар (материалистлар) оламни қадим дея ҳисоблайдилар ва Худо борлигини бутунлай инкор этадилар. Табиётчи файласуфлар олам яралишида ташқи куч омилини инкор этмасалар-да, қиёмат кунини инкор этиб, дахрийлар каби зиндиқ бўлиб қолмишлар. Илоҳиёт фалсафаси намояндаларидан бўлмиш Афлотун ва Арасту сингари Юнон файлсауфлари ҳамда ислом олаmidан Ибн Сино ва Форобийлар Худо борлигини инкор этмайдилар ҳамда барча масалаларни Худога боғлаб тушунтирмоқчи бўладилар. Аммо булар ҳам дахрийлар ва табиётчилар фикрларини инкор этганлари билан, ўзларидан шундай сўз ва амаллар содир бўлмишки, куфру бидъатга олиб боради. Айрим сўзлари ҳақиқатга яқин кўрингани билан иштибоҳ ва ихтилофга сабаб бўлиши мумкинлиги боис бу ҳақда гапирмаган маъқул кўринади. Булар ҳам жисмлар қиёмат куни қайта тирилишини қабул этмайдилар, Худонинг илмини ҳам фақат куллий нарсаларга оид, деб чегаралаб кўядилар. Шунингдек, бу тоифадагилар оламни қадим деб биладилар. Файласуфлар китобларининг мутолааси мени шу хулосага келтирдики, бу йўл мени мақсадимга етказадига йўл эмас. Буларнинг ягона кулоли ақл бўлиб, шу ҳам баъзи пайтларда энг оддий нарсаларнинг моҳиятини очиб беришга ожизлик қилади. Шу сабабдан, фалсафадан кейин таълим аҳли – ботинийлар таълимотини ўрганишга киришдим. Бу тоифанинг қарашлари ўша пайтларда ўзига хос шуҳрат ва овозага эга эди. Қолаверса, халифа ҳазратлари томонидан ҳам шундай ишорат бўлдики, буларнинг қарашлари ва асл мақсад-муддаоларини ёритиб берувчи бир китоб ёзсам. Ушбу муборак ишоратдан сўнг ботинийлар қаламига мансуб рисоаларни ўрганишга киришдим. Бу тоифа маъсум муаллим ва имоми маъсум ҳақидаги қарашлари ҳам файласуфларнинг каломи каби ноизчилликлар ва ихтилофлар мажмуидан иборат эканлигига гувоҳ бўлдим. Бу тоифадагилар имоми маъсумни илм маъносида талқин қиладилар. Аммо ўзлари ҳам бу билан нима демоқчи эканликларига тушунмайдилар. Ўзлари тушунмаган нарсани қандай қилиб бошқаларга илм номи билан одамларга кўз-кўз қилмоқдалар? Бу тоифани синаганимдан кейин уларнинг қарашлари шунчаки авомни гумроҳ этиб, ўзларига тобе қилишга қаратилган бир таълимот эканлигини билдим. Бу уч йўлдан кўнглим совиб, сўфийлар тариқатига юз бурдим. Аммо шуни билдимки, бу тариқатда илмдан бошқа амалга ҳам ҳожати бор. Буларнинг илми ҳосиласи инсоннинг ношойишта хислатлардан покланиши ҳамда кўнгил саҳифасидан Аллоҳдан ўзга барча нарсаларни ўчириб ташлаш экан. Мен учун амал қилишдан кўра илм ўрганиш осонроқ кўринди, шу сабабдан Абу Амр Маккийнинг «Қут Ал-қулуб» асарини ўқишдан ишни бошладим. Ундан сўнг Ҳорис Мухосибий, Жунайд Бағдодий, Шиблий Бағдодий, Боязид Бистомий каби машхур сўфийларнинг китоблари ва ҳикматларини ҳам кўздан кечирдим. Шу ҳақиқат менга хувайдо бўлдики, булар айтган сўзни ўқиш билан англаб бўлмайди, унга амал қилиш керак. Бунга завқу ҳол қилу қолдан кўпроқ

керак бўлади. Бу саломатли ва тўқлик сабабларини билгувчи одам билан соғлом ва ўзига тўқ инсон ўртасидаги ҳоллар фарқияти ёки мастлик ҳақида муайян тасаввурга эга бўлган киши билан маст одамнинг ўртасидаги руҳий фарқиятга ўхшайди. Табиб ва ҳушёр киши мастлик ва саломатлик даражасини биладилар аммо уларнинг ҳолидан бегонадирлар. Маълум бўлдики, булар завқ ва ҳол кишидирлар, қилу қол уларга бегона. Мен уларнинг сўзларини ўрганганим билан ҳол ва завқниким, ўрганиш ва ўқиш билан муяссар бўлмас, ўзимда кечолмайман. Ўз ҳолимга тафаккур айлаб, кўрдимки, мени турли кераксиз юмушлар ўзига банд этиб, кўнглимни машғул этган. Энг яхши амалим мударрислик эди, аммо шу ҳам кераксиз ва Ҳақиқатдан анча узоқ илмларни ўрганишим билан чекланилгани учун назаримда кечирилмас хато кўринди. Бу илмлар охират учун бирор фойда келтириши гумон эди. Бу ишим аслида шу дунёнинг ўткинчи мансаб, рутба, машхурлик каби арзимас нарсаларни қўлга киритиш ва ушлаб туриш учун сарф қилинаётган риё амаллардек кўринди... Бағдодни тарк этдим, молу давлатимни аҳли аёлимдан етарли бўлган миқдордан ортиғини Ҳақ йўлида нисор этдим... Шомга келиб, ўн йил ўша ерда хилват топдим. Бу шаҳарда бирор иш билан шуғулланмадим, чунки сўфийлар китобида ўқиганим каби қалб ҳузурини хилват, риёзат ва мужоҳадада топгандим... Бир муддат Дамашқ масжидида эътикофда бўлдим. Ҳар куни минорага кўтарилиб, эшикни ичкаридан қулфлаб, ёлғиз ибодат ва риёзатга машғул бўлардим. Фарзандларнинг илтимолари ва яна айрим андишалар мени она юртимга қайтарди. У ерда ҳам, хилват тутиш ва ёлғизликка бўлган кучли иштиёқ туфайли яна узлатга чекиндим. Аммо замоннинг ҳодисалари, турмуш ташвишлари ва фарзандлар ҳаёли менинг бу оромимни бузарди ва мен ҳар замонда хилват гўшасини тарк этишга мажбур бўлардим. Ўн йилга яқин шу алфозда умр кечди. Хилват ва узлат самараси ўлароқ менга бир неча ҳол кайфиятлари юз берди ва менга олдин ҳосил бўлмаган айрим нарсалар маълум бўлдики, буларни санаш имкон доирасидан ташқаридадир. Шунингладимки, сўфийлар Худо йўлининг хос йўловчиларидир. Уларнинг сийрати энг яхши сийратдир, уларнинг йўли энг тўғри йўлдир, уларнинг ахлоқи энг покиза ахлоқ ҳисобланади. Таҳорати – қалбни мосиваллоҳдан поклаш, бошланиши – Худо зикридан мустағриқ қалб, охири – Худода фано бўлиш бўлган йўл ҳақида нима ҳам дейиш мумкин? Бу тариқатнинг бошида соликларига шундай мукошафа ва мушоҳада ҳосил бўладики, уйғокликларида фаришталарни ва пайғамбарларнинг пок руҳларини кўра оладилар, улар билан суҳбатлашадилар, руҳий қувват ҳосил қиладилар. Ундан сўнг суратлар мушоҳадасидан юксалиб, шундай бир руҳий мақомга етишадиларки, бунинг тавсифида қалам ожизлик қилади. Охир оқибат шундай бир ҳол уларда юз берадики, кимдир ҳулулдан сўз очади, кимдир иттиҳод ҳақида сўйлайди, яна кимдир васл ҳақида фикр юритади, ҳолбуки буларнинг барчаси хатодир. Албатта, ҳар бир киши ўзича бундан хулоса чиқаради, аммо завқу ҳолдан беҳабар, шу ҳаётни яшамаган кимса бу ҳақда

тўғри тасаввурга эга бўлиши гумон... Бу шундай тоифаки, ҳеч ким уларнинг суҳбатидан зиён кўрмайди, кимки бу суҳбатлар файзидан бебаҳра бўлса, тезроқ ўз ҳаракатини кўрсин¹⁰...

Тасаввуф таълимотининг ўзагини ташкил этувчи муаммолардан бири – илм ул-яқин ва айн ул-яқин масаласидир¹¹. Барча илмлар шак-шубҳадан холи, мутлақ ва абадий, ўзгармас ҳақиқатни излаб топиш ва англашга қаратилган экан, тасаввуф таълимоти ҳам бу масалани чеклаб ўтмасди. Ғаззолий асарларида ҳам бу масала кенг ва атрофлича ёритиб берилган.

Илм ул-яқин ва айн ул-яқин иборалари Қуръоннинг «Такосур» сурасида келтирилган.

Ушбу сура Макка сураларидан бўлиб, саккиз оятдан ташкил топгандир. Бу сурада кўп одамларнинг то жонлари чиқиб, қабрларига киргунларича мол-дунё тўплашга ва ўша арзимас матолар билан бир-бирларига мактанишга машғул бўлишиб, Ҳақ йўлда юришдан юз ўгирганлари баён этилади.

Бешинчи оятда шундай дейилган: **«Калло лав таъламуна ʼилмал-яқийн» (Йўқ! Агар сизлар (дунёга қул бўлиб қолишнинг оқибати нима эканлигини) илм ул-яқин (илмий асосга биноан) билан билганинингизда эди (дунёга қул бўлиб қолмасдингиз!) Такосур-5-оят).**¹²

Ғаззолий ушбу оятни қуйидагича изоҳлайди:

Агар мол-мулк ва дунёда етишиш мумкин бўлган нарсалар билан ғурурланиш қиёмат куни ҳеч қандай фойда бермаслигини пайғамбарлар каби яқиндан билсайдингиз, мол ва дунё билан ғурурланмасдингиз!

Имом Ғаззолий илм ул-яқин ва айн ул-яқин масаласини қуйидагича изоҳлайди:

1. Илм ал-яқин, пайғамбарликлари сабабли, пайғамбарга оиддир. Айн ал-яқин эса фаришталарга оиддир. Чунки улар Лавҳи Махфузни, қаламни, Жаннат ва Жаҳаннамни, Аршу Курсини айнан кўрадилар ва мушоҳада этадилар.

2. Илм ал-яқин тириклар учун, айнал-яқин эса ўликлар учундир. Чунки тириклар инсонлар ўлганини ва ўликларнинг ҳам қабрларда эканликларини биладилар. Лекин қабрда нима аҳволда эканликларини билмайдилар. Ҳолбуки, ўликлар қабрларни айнан биладилар ва мушоҳада этадилар: қабрлар, ё жаннат боғларидан бир боғ, ё жаҳаннамнинг бир чуқуридир.

3. Илм ал-яқин қиёматни билмоқдир. Айн ал-яқин эса, қиёматни ва қиёматнинг даҳшатини айнан кўрмоқ ва мушоҳада этмоқдир.

4. Илм ал-яқин жаннатни ва жаҳаннамни билмоқдир. Айн ал-яқин эса буларни айнан кўрмоқ ва мушоҳада этмоқдир¹³.

¹⁰ Абдулхусайни Зарринқўб. Жустужў дар тасаввуфи Ирон. – Душанбе: Ирфон, 1993. – Б.308.

¹¹ Тримингем Дж. Суфийские ордека в исламе. – М.: Наука, 1995. – С. 234.

¹² Қуръони карим. /Ўзбекча изоҳли таржима муаллифи А. Мансур. – Т.: Чўлпон, 1992. – Б. 651.

¹³ Имом Ғаззолий. Кимийи саодат. – Т.: Янги аср авлоди, 2005. – Б.134-137.

Кўриниб турганидек, Ғаззолий тасаввуф орқали илмий муомалага кирган тушунчаларни ҳам Қуръон оятларига боғлаб тушунтиришни афзал билади. Ғаззолий шариат русумларини тушунтиришда эса, ирфоний маънога эга бўлган фикрлардан ҳам моҳирлик билан фойдаланган. Жумладан, таҳорат бобида унинг қуйидаги фикрлари алоҳида аҳамиятга эга:

«Уч нарса таҳоратнинг тўла бўлишини таъминлайди:

1. Қалбни яширин адоват, ёмон ниятдан ва ҳасаддан тозаламоқ.
2. Вужудни гуноҳлардан тозаламоқ.
3. Сувни исроф қилмай, чиройли таҳорат олиб, аъзоларни ювмоқ¹⁴.

Шу мисолдан ҳам кўриниб турибдики, Ғаззолий учун шариат расм-русумларидан кўра унинг моҳиятига оғишмай амал қилишни асосий шарт сифатида қараган. Шу билан бирга, шариат амалларини кам-кўстсиз адо этиш ҳам тариқат аҳлининг бирламчи шarti, дея ҳисоблаган. У шариатсиз тариқатни «гумроҳликка элтувчи йўл» сифатида қараган.

Ғаззолий-тақводор сўфий, ўз фаразлари исботи учун рационал ва таҳлилий далиллардан моҳирона фойдаланадиган шариат тарафдори. Аммо у ҳақиқий илм деб инсонни охиратда саодатли қиладиган илмни тушунади. Ғаззолий бу илмни иккига бўлади: мушоҳада ва мукошафа илми ҳамда содиқлар ва муқарраблар илми. Биринчи қисмни у ҳақиқатлар ҳақидаги ва сиддиқлар билан муқаррабларга¹⁵ таалукли ҳар қандай маърифатнинг сўнгги мақсади деб ҳисоблайди.¹⁶ Унинг фикрича, бу барча ғубору ифлосликлардан покланган қалбда чакнаган нурдир.¹⁷

Иккинчи қисм эса – бу қалб олами ҳақидаги илм, унинг бир бўлаги сабр, шукр, вафо¹⁸ бўлса, иккинчи бўлаги фақирлик хавфи ҳамда тамагирлик, шунингдек, ҳасад, қасд, хирс бўлиб, булар маҳкум этилишга лойиқ.¹⁹

Ҳақиқатни ва юқорида қайд этилган ходисалар чегарасини (у рад этган сифатларнинг сабаб ва натижаси ўлароқ) билиш – мана шу ҳақиқий саодатга элтувчи илмдир.²⁰ Зоҳирий қоида ва маросимларни бажармайдиган одамлар фақиҳлар ҳукми ва шоҳлар қиличидан ҳалок бўлгани сингари, кимки у дунё ишларини инкор этса, шоҳлар шоҳи, яъни Аллоҳ ғазабидан ҳалок бўладилар.²¹

Имом Ғаззолий «Кимиёи саодат»нинг «Илми зоҳирнинг тасаввуф йўлидаги тўсиқлиги баёнида» номли фаслида зоҳирбан, ақидапараст тоифалар ҳақида шундай дейди:

«илми зоҳир тасаввуф йўлида тўсиқдур. Бу сўзга инкор қилмағилки, бу сўз ҳақдур. Бу важҳ бирлаким, ҳислар йўли бирла машғул ва мустағрак

¹⁴ Ғаззолий. Ихёу улум ад-дин. 1-китоб. Қоҳира: 1978. (араб тилида)

¹⁵ Эҳъёул улум вад дин. Имом Ғаззолий. Дорул маърифат. –Байрут, 1402 ҳиж. –Б.19-20.

¹⁶ Ўша жойда. –Б.91.

¹⁷ Ўша жойда.

¹⁸ Ўша жойда. –Б.20.

¹⁹ Ўша жойда. –Б.21.

²⁰ Ўша жойда.

²¹ Эҳъёул улум вад дин. Имом Ғаззолий. Дорул маърифат. –Байрут, 1402 ҳиж. –Б.21

бўлсанг, албатта тўсиқ бўлғусидир. Бас, дил мисоли беш ариқға ўхшадурким, бу ариқлар бирла кўнгулга сув кирар. Агар бу кўлнинг тагидан оби соф чиқсин десанг, тадбири улки, бу кўлга сув кирадургон ариқларни маҳкам банд қилғил. Ва ҳавз ичидаги сувни тамом чиқариб, тагини чандон ковлагилки, тиниқ сув чиқғай.

Бас, бунга ўхшаш, ул илмлар ойнаи дилга беш ҳиссиёт йўли бирла ҳосил бўлса, у қанча машғул бўлса ҳам дилнинг тагидин маърифат чашмасини тополмас. Токи ойнаи дилни хавос йўли бирла ҳосил бўлгон маълумотидин холи айлаб, ҳавзи дилнинг тагини риёзат тешаси бирла қазиси, албатта маърифат чашмаси очилиб, ойнаи жаҳоннамо бўлғусидур.

Бас, илми зоҳир тўсиқ бўлмоғининг сабаби шуки, агар одам аҳли сунна ва жамоанинг эътиқодларини тамом блса, ақида қилсаки бундин ўзга илм йўқдур ва агар кўнгилга ҳақиқат тарафидин шамма, яъни озгина миқдор бўй, яъни баҳра, нишона етса, айтурким, бу мен билган илм ақидага муҳолифдурким, бу навъ ишлар ботилдур. Бас, бу навъ кишига ҳақиқат ҳаргиз маълум бўлмас. Ва аҳли сунна ва жамоанинг ақидалари оммаи халқнинг ақидаларидурким, ҳақиқатнинг қолипидур. Айни ҳақиқат эрмас. Ва маърифат тамом улдурким, ҳақиқат ушбу қолипдин намоён бўлғусидур. Чунончи, пўст ичидаги мағиз мисолидадур».²²

Ғаззолий зоҳирий ва ботиний илмлар ўртасидаги муносабатни асарнинг «Илми зоҳир бирла илми ботин орасидаги муносабат ва муҳолифат баёнида» номли фаслида қуйидагича изоҳлаб беради:

«Бас, зоҳир илми – пўст ва ҳақиқат илми – мағиздур. Бас, кшиким саъй ва жадал бирла зоҳир илми ва ақидаи аҳли суннат ва жамоани йўлига келтирибдур ва илми ҳақиқатдин насиба топмабдур. У пиндор, яъни такаббурлик билан гумон қилурким, ҳамма илм менинг билганимдур деб.

Бу навъ гумонлар, мағрурланишлар ҳақиқат йўлига парда бўлғусидир. Агар киши бул тариқа пиндордин йироқ бўлса, илми зоҳир илми ҳақиқатга парда ва тўсиқ бўлмас. Илми зоҳир воситаси бирла чандон фатҳу кушойиш анинг ҳолида рўй берурким, мартаба ва даражаси ғоят камолига еткусидур.

Аммо (баъзи) сўфий жоҳиллар хаёли ботилнинг бандида, узоқ муддат шубҳанинг ҳижоб пардасида мубталоликда қолғусидир.

Бас, ул кишиким, илм чироғини кўлга келтирибдур, бу навъ шубҳалардин эминда, бу тариқа хатарлардин саломат манзилида соқиндурлар.

Бас, илми зоҳир ҳақиқат йўлида пардадур деган сўзни валоят ва мукошафот даражасига етган кишидан англасанг, инкор қилмағил. Аммо ибҳоҳате тоифасиким, шарий шарифда ҳаром ва макруҳ ишларни ўзларига ҳалол ва мубоҳ билурлар ва енгил табиатлилар беҳосил фирқасиким, Макка ва Мадинани тавоф қилдим ва мазоротларни зиёрат айлаб, пири муршидлар хизматида бўлдим деб, замонада пайдо бўлибдурлар, ҳаргиз булар ҳақиқат

²² Абу Ҳомид. Кимиёи саодат. –Т.: Адолат, 2005. –Б.54-55.

ҳолидан хабар топмабдурлар. Ва лекин ножиб ибораларни сўфийлар қавмидин ёд олибдурлар, бу тоифаларни қилур ишлари шабу-рўз палид ва ножоиз сўзлари бирла халқни ром қилмоқ, жома ва фўта ва муракқаъ (ямоқли, қуроқ) сажжодларини ораста айлаб, илмни ва уламоларни мазаммат қилурлар. Бас, бу тоифа шаётин хилқатидурлар. Худо ва расулнинг душманидурларким, Худо ва расул илм ўрганмоқни ҳамма халойиққа фармон қилибдурлар. Бас, бу мубдир, хасис ва енгил табиатли нокаслар на киши бўлғайларким, илм ва уламоларга таъна ва маломат тариқатида каттачилик (тилиузунлик) қилғайлар. Бовужуд улки, Худо азда ва жалла ва расули акрам (с.а.в.)нинг ҳадиси шарифларида ва ояти каримада неча марталаб уламоларни мадҳ ва ситойиш қилинибдур».²³

Ғаззолий олдин илмни шариат илмлари ва ғайришариат илмлари деб иккига бўлган эди. Ғайри шариат (ношариат) илмларининг бир қисмини тўғри деб ҳисоблаган эди. Масалан, тиббиёт, математика ва шунга ўхшаш дунёвий фанларким, яшаш учун кўп ҳолларда зарурдир. Сехргарлик ва шомонлик²⁴ каби иккинчи қисм илмларна у исломга зид машғулот деб танқид остига олади.

Бироқ Ғаззолий тушунтрмоқчи бўлган шариат илмларига келганда, уларнинг барчаси ҳақ ва тўғри. Фақат айримлари борки, уларни диний билимларга қўшиш муносиб эмас. Шундан келиб чиқиб, шариат илмлари ҳам тўғри ва нотўғри қисмларга бўлинган.²⁵ Тўғри диний илмлар тўрт бобда қараб чиқилган: асосий ва иккинчи даражали рукнлар, фараз ва қўшимчалар баён қилинган. Асосий рукн (асл)лар Қуръон, Суннат ва ижмоъ, шунингдек, саҳобалар ривояти ишларидан фойдаланишдир. Иккинчи даражали рукн(асл)лар – булар асосий аслларнинг идрок этилишидир.²⁶ Шунга эътиборни қаратиш ўринлики, Ғаззолий фикри бўйича, иккинчи даражали аслларни англаш учун матннинг кўринишининг ўзи кифоя эмас, ақлни албатта ёрдамга чақириш зарур. Унинг назарида шариат сўзи ўзининг луғавий маъносидан кўра кенгроқ маънога эга.²⁷ Иккинчи даражали асллар икки фуруъ(шоҳча)га бўлинади. Фикҳ шуғулланадиган биринчи шоҳча дунёвий ишларни адо этишга йўналтирилган. Демак, фақиҳлар дунёвий олимлардирлар. Иккинчи шоҳча эса ухравий оламга йўналтирилган бўлиб, у қалб олами ҳақидаги ва муносиб ёки номуносиб ахлоқ ҳамда одатлар олами ҳақидагиларни қамраб олади.²⁸ Шундай қилиб, Ғаззолий фикҳни дунёвий илм деб ҳисоблаб, дейди: «Инсоннинг аввали тупроқ, унинг якуний охри эса – ё жаннат ёки дўзах. Дунё – бу аввал билан охир ўртасидаги кўприк. Агар одамлар зиддият ва душманлик пайдо бўлмаганда эди, фақиҳларга эҳтиёж қолмаган бўларди. Аммо бу дунё одамларининг хирсу ҳасади бир-бирларига

²³ Абу Ҳомид. Кимийи саодат. –Т.: Адолат, 2005. –Б.55-56.

²⁴ Эҳъёул улум вад дин. Имом Ғаззолий. Дорул маърифат. –Байрут, 1402 ҳиж. –Б.16.

²⁵ Эҳъёул улум вад дин. Имом Ғаззолий. Дорул маърифат. –Байрут, 1402 ҳиж. –Б.16.

²⁶ Ўша жойда.

²⁷ Ўша жойда.

²⁸ Ўша жойда.

нисбатан адоват қўзхатади, натижада, инсоният жамияти ҳукмдорлар ва шоҳларга эҳтиёж сезади, уларга эса, ўз навбатида қонунлар керак бўлади, чунк улар қонунларга асосланиб, одамларни бошқаришлари лозим. Воқеан ҳам жамият фақиҳларга ва фикҳга шунинг учун эҳтиёж сезадики, фақиҳлар сиёсат қонунларини биладилар. Шундай қилиб, «фақиҳ – сиёсий қонунларни, хирсларига қул бўлиб, ўзаро олишадиган одамлар устидан ҳукм чиқариш ишларини яхши биладиган кишидир. Шунинг учун ҳам фақиҳ – бу шоҳнинг устози ва маънавий раҳбаридир. У шоҳнинг адолат юзасидан одамларни бошқариши, уларни ҳимоя қилиши ва улар ишларида тартиб ўрнатишини кузатиб туриши керак. Табиийки, фақиҳ ҳам дин билан боғланган, аммо тўғридан тўғри эмас, балк дунё орқали боғлангандир. Албатта, шуни билиш зарурки, дунё охираат учун уруғ экиладиган майдондир. Ва диний ишлар дунёда охирига етади».²⁹

Ғаззолийгача тасаввуф ва калом бир-бири билан душманларча муносабатда бўлган. Сўфийлар муомала илми – шариатнинг зоҳирий амалларини инкор этсалар, калом ҳали мукошафа – кашф ва мужоҳада орқали эришиладиган иррационал билишни бидъат ва хурофот деб ҳисоблардилар. Ғаззолий ўз асарларида тасаввуфни шариатга мослаштиришга уринди. Август Толук фикрича, «Ғаззолий қалбидаги барча эзгуликларни, азиз ва юксак туйғуларни, бой илми ва пок амалларини Муҳаммад динига бағишлади. У Аристотел фалсафаси ва сўфийларнинг тариқатларида мавжуд энг азиз ғоялар ислом илоҳиётида борлигини кўрсатиб берди».³⁰

Ғаззолий бошқа сўфийлар каби, қалбни Ҳақиқатга элтувчи энг яқин ва тўғри йўл деб ҳисоблайди. Қалб унинг фикрича, рўҳият оламининг энг олий кўриниши бўлиб, туйғу ва нафс унга тобедир, ақл эса унинг бир бўлаги ҳисобланади. Қалбни ҳеч қачон ақл билан қарама-қарши қўйиб бўлмайди. Қалбнинг энг олий даражаси, Ғаззолийнинг фикрича, пайғамбарларда бўлади, ундан сўнг авлиёлар, ҳакимлар ва олимларнинг қалби ҳар бири бу йўлда эришган мавқеасига қараб табақаланади.³¹ Ҳақиқат йўлидаги ҳар бир солиқ ўзининг бошидан ўтган руҳоний ҳолатлардан хабари бор ва олдидаги йўлнинг ниҳоясида уни нима кутмоқлигидан беҳабар бўлади. Шунинг учун, пайғамбарларнинг ҳолини авлиёлар билмайди, авлиёлар қалбидан ҳакимлар беҳабар. Бу – гўдак, йигит ва кекса одамнинг ҳолига ўхшаш бир кўринишдир. Ёш бола йигитнинг туйғуларидан беҳабар бўлади, чунки у ҳали балоғат ёшига етмаган. Йигит киши эса, гўдакнинг ҳоли ва туйғуларидан хабардор бўлгани билан, баркамол инсоннинг фикр-ўйлари унга бегона бўлади, чунки у бу умр босқичини босиб ўтмаган.

²⁹ Эҳъёул улум вад дин. Имом Ғаззолий. Дорул маърифат. –Байрут, 1402 ҳиж. –Б.16.

³⁰ Гарен, Эудженио. Проблемы Итальянского Возрождения. – М.: Прогресс, 1986.

³¹ Исо Содик. Сайри фарҳанг дар Ирон ва Мағриб замин. – Техрон, 1332 ҳижрий йили.

Ғаззолий қалбни ойнага ўхшатади. Бу ойна кибр, ҳарислик, ғазаб, нафрат, бахиллик каби занг келтирувчи хислатлардан поклагандан сўнг ахлоқ суви билан ювиб, сайқалланган қалбда илоҳий ҳақиқат тазоҳир этади.

Ғаззолий тасаввуфда саҳв аҳлининг тарафдорларидан эди. Саҳв аҳли шариатнинг расмий амалларини бажо келтиришни тариқатга киришнинг энг муҳим шарти деб ҳисоблайдилар. Жунайд Бағдодий айтганидек, шариатда заррача хато қилган одам тариқатда манзилдан минглаб чақирим узоқлашади. Ғаззолий сукр аҳлининг «сўфийнинг илк қадами дафтарни йиртиш ва қаламни синдиришдир», деган қавлларини қабул этолмайди. Унинг назарида, жоҳил кимса иймонли бўлолмайди. Ақл Ҳақиқатга элтувчи йўл бўлмаса ҳамки, шу йўлни ёритувчи бир чироқдир. Иймон авом наздида тақлиддан асосланган. Уларнинг Аллоҳ ягоналигига шаҳодат беришлари «Зайд уйда ўтирибди», деган хабарга ишонишлари кабидир. Улар Зайдни кўрмаган ва уйда бор-йўқлигини ўзлари гувоҳ бўлмаган эсалар-да, ўзларига ишончли кўринган кимсаларнинг гувоҳлигига таяниб, шу хабарга ишонадилар. Ҳар қандай шак-шубҳадан холи иймонга эга бўлиш ва шу тариқа комилликка етишиш учун эса, фақат ва фақат қалб поклиги лозим. Қачонки, ҳайвоний хислатлар қалб ва Аллоҳ ўртасида ҳижоб бўлмаса, ўшанда мутлақ ва абадий ўзгармас Ҳақиқатга эришиш мумкин.

Ғаззолий тасаввуфи шариат ва тариқа ўрталигидаги мўтадил бир таълимот эди. Унинг қараш лари Жунайд Бағдодий, Ҳорис Мухосибий, Амр Маккий каби сўфийларнинг қарашлари билан ҳамоҳанг эди. Шу билан бирга, у сўфийларнинг ҳаммасини ҳам тўғри йўлда ва уларнинг айтганлари ҳаммаси ҳақиқат мезонларига жавоб беради, деб ҳисобламасди. Аксинча, «Ихёу улум ад-дин»да меҳнат қилмасдан, хонақоҳларда фақат тоат-ибодат билан кун ўтказиш ва хайр-эҳсонга умид кўзини тиккан сўфийларни қаттиқ танқид қилади ва уларнинг бу қилмишларини қароқчиликка айланган гадойлик, шармандалиқ дея баҳолайди. Сўфийлар орасида кенг ёйилган риё ва унинг оқибатини шарҳларкан, айтадики, тасаввуф аҳли сўзини айтган билан киши сўфий бўлмайди, қалб поклиги ҳаммадан олдин туради. Қалбнинг икки даричаси бор. Бири – мулк оламига, бири малакут оламига очилади. Мулк оламига очиладиган дарчадан инсон ақл ёрдамида билим ҳосил қилади. Малакут оламига элтувчи дарча эса завқ ва ҳол мақомини юксалтиради. Мукошафа йўли билан ҳосил бўлган билимни бировга айтиб бўлмайди. Бу ҳол яхши шеърдан олинган эстетик завқни бошқа бир одамга айтиб бўлмаслиги кабидир. Шу сабабдан, сўфийларнинг сўзларининг зоҳирий жиҳатига қараб баҳо бериб бўлмайди.

Ғаззолий тасаввуф ва ирфонда фалсафа илмининг ютуқларини дадиллик билан қўллади. Масалан, «Ихёу улум ад-дин» китобида нафс ҳақидаги фикрлари фалсафий оҳанг жуда кучли. Шунингдек, мантикий қонунларни шариатда қўлагани каби, шариат расм-русумларини сўфийлик маънолари билан бойитди. Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат»да ёзишича, Ғаззолийнинг «Жавоҳир ул-Қуръон» ва «Мишкот ул-анвор»

асарлари атоқли авлиёлар, сўфийларнинг хонақоҳларида асосий сабоқ китобларидан ҳисобланган³². «Кимиёи саодат» китоби эса ўзбек тилига таржима қилиб нашр этилди. «Ихёу улум ад-дин» китобидан бир неч қисми ўзбек тилига таржима қилиниб, алоҳида китоб ҳолига нашр этилди³³.

Ғаззолийдан кейинги барча тасаввуфий китобларда унинг асарларига муносабат билдирилган. Бу унинг тасаввуф ва ирфон оламидаги катта нуфузидан гувоҳлик беради. Таниқли олим И.Голдциер мамнуният билан эътироф этилганидек, «Ғаззолийга фақат ваҳий келмаган, у пайғамбарликнинг бошқа барча сифатлари билан сифатланган зот эди».

Кўриб чиққанимиздек, Ғаззолий жаҳон тафаккури тарихида ўчмас из қолдирган мутафаккир зотлардан бўлган. Унинг асарлари дунёнинг турли тилларига таржима қилиниб, Европанинг Франческо Петрарка, Дунс Скотт, Рене Декарт, Давид Юм, Жон Толанд каби файласуфлари дунёқараши шаклланишига жиддий таъсир кўрсатган. Ғаззолий ўзигача бўлган мусулмон олами фалсафий қарашларини тизимли тарзда изчил таҳлил қилиб, шу билан бирга бу фанда мавжуд бўлган муаммо ва камчиликларни кўрсатиб ўтган. Файласуфларга қарши курашишда у калом илмига (Ғаззолий каломда ашъарийларни ёқлаб чиққан) таяниб иш тутган бўлса-да, у калом илмини ўрганишни фарзи кифоя деб билади ва шу тариқа мутакаллимлар иддаосини йўққа чиқаради. Фикҳ илмида ёзган «Ал-Басит», «Ал-Важиз» асарлари инсоний тафаккури мўъжизалари, фикҳ илмида инқилоб ясаган ноёб асар сифатида баҳолангани билан у бу фанни ҳам кундалик турмуш тарзига оид бўлганлиги учун руҳий хурриятга ҳеч қандай алоқаси йўқ, деб ҳисоблаган.

Ғаззолийгача тасаввуф ва расмий шариат доираси бир-бири билан кучли ихтилофда эди. Ғаззолий ўз асарлари билан тасаввуф аслида исломга муқобил бир таълимот эмаслиги, балки у аслида ислом маданияти қобиғидан чиққан адабий-ирфоний ҳодиса эканлигини исботлаб беради. Ғаззолий таассубни каттиқ қоралайди ва диний, мазҳабий бағрикенгликни ривожланишнинг муҳим омили сифатида баҳолайди. Тасаввуф унинг наздида ахлоқий покланишдан ўзга нарса эмас. Тасаввуф амаллари шариат қонуниятларига мувофиқ келгандагина нажот келтирувчи амаллардан бўлиши мумкин. Бежиз эмаски, «Ихё ул-улум ад-дин»нинг учинчи рубъи «Муҳликот» (Ҳалокатга элтувчи амаллар) деб аталади. Ушбу китобда қалб ҳақидаги ажойиб ва дилтортар тасвир билан сўз бошлаб, инсоннинг ўз-ўзини тафтиш этиб турмаслиги, ҳар доим ўзини таҳлил этиб бориб, ношойиста амаллардан узоқроқ юриш лозимлигини турли далил ва ҳикоятлар билан ёритиб берган. Бундан ташқари, мунофиқлик, ёлғон гапириш, такаббурлик, чақимчилик, илмга амал қилмаслик, майхўрлик, ҳасадгўйлик, бойликка ружу қўйиш, тил офатлари каби ёмон хислатлар

³² Навоий, Алишер. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 17 том. Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват. –Т.: Фан, 2003.

³³ Зайниддин Муҳаммад Ғаззолий. Кимиёи саодат. / Нашрга тайёрловчилар: С.Сайфуллох, М.Маҳмуд. –Т.: Янги аср авлоди, 2005.

инсон қалбини тошга айлантирувчи ва ҳалокатга элтувчи хислатлар сифатида қораланади.

Нажот берувчи амаллар сифатида Ғаззолий инсонни комилликка элтувчи амаллар, жаҳолат ва ғофилликдан қутқарадиган руҳият манзиллари ҳақида сўз юритади. Ғаззолий таснифида бу манзил ва мақомларнинг биринчиси тавба бўлиб, ундан сўнг солиқ сабр, шукр, хавф, ражо (умид), фақр, зуҳд, тавҳид, таваккул, муҳаббат, шавқ каби тасаввуфга хос бўлган мақомларни босиб, ички хуррият саодатига эришмоғи мумкин. Маълум бўладики, Ғаззолий тасаввуф таълимотига инсонни комиллик ва ҳақиқатга элтувчи, залолат ва гумроҳликдан қутқарувчи йўл сифатида қарайди. Унинг тасаввуф ривожига кўрсатган хизмати беқиёсдир.

Ғаззолийнинг жаҳон фалсафаси тараққиётига муҳим таъсир кўрсатган «Мақосид ул-фалосифа» («Файласуфларнинг мақсадлари») асари асрлар давомида Шарқ ва Ғарб файласуфлари ва илоҳиётчилари Фома Аквинский, Франческо Петрарка, Рене Декарт, Гегель ва бошқаларнинг фалсафий қарашларига жиддий таъсир кўрсатди. У «Ал-қавл ал-жамил фи-радди ала мин ғаййар ал-Инжил» («Инжилни ўзгартириб, бузувчиларга қарши муносиб сўзлар») асарида масиҳийликнинг бузилмаган кўриниши ислом таълимоти, хусусан тасаввуфга жуда яқинлигини исботлайди.³⁴

³⁴ Трахтенбург О.В. Очерки по истории западноевропейской средневековой философии. – М., 1981. –С.65.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. «Туркистон-пресс» ахборот агентлигининг саволларига жавоблар. -Т. Ўзбекистон, 1999.
2. Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар. – Т: Ўзбекистон файласауфлари миллий жамияти нашриёти, 2005.
3. Ҳомидий Ҳ. Тасаввуф алломалари. –Т.: Шарқ, 2001.
4. Абу Ҳомид Ғаззолий. Мукошафат ул-қулуб/ Тарж.: Миразиз Аъзам. –Т.: Адолат, 2002.
5. Абдулҳусайни Зарринқўб. Жустужў дар тасаввуфи Ирон. –Душанбе: Ирфон, 1993.
6. Тримингем Дж. Суфийские ордека в исламе. –М.: Наука, 1995
7. Қуръони карим. /Ўзбекча изоҳли таржима муаллифи А. Мансур. –Т.: Чўлпон, 1992.
8. Имом Ғаззолий. Кимиёи саодат. –Т.: Янги аср авлоди, 2005.
9. Ғаззолий. Ихёу улум ад-дин.1-китоб. Қоҳира: 1978.
- 10.Эҳёул улум вад дин. Имом Ғаззолий. Дорул маърифат. –Байрут, 1402 хиж
- 11.Гарен, Эудженио. Проблемы Итальянского Возрождения. – М.: Прогресс, 1986.
- 12.Исо Содиқ. Сайри фарҳанг дар Ирон ва Мағриб замин. – Техрон, 1332 хижрий йили
- 13.Навоий, Алишер. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 17 том. Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват. –Т.: Фан, 2003.
- 14.Зайниддин Муҳаммад Ғаззолий. Кимиёи саодат. / Нашрга тайёрловчилар: С.Сайфуллоҳ, М.Маҳмуд. –Т.: Янги аср авлоди, 2005.
- 15.Трахтенбург О.В. Очерки по истории западноевропейской средневековой философии. – М., 1981
- 16.И.П.Петрушевский.. Ислам в Иране в VII-XV вв.-Л.: ЛГУ, 1966.
- 17.Сторн Ч.А.. Персидская литература в трех частях. Ч.1. –М.: Наука, 1972